



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 24 май, пайшанба 21-(445)-сон



O'zLiDeP фракциясида

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда

2 →



Молиявий ҳамкорлик

«Трастбанк» хусусий очик акциядорлик-биржа банкига қўйилган аҳоли омонатлари 30 млрд. сўмдан ошди

6 →



Стратегия қайта кўриб чиқиши керак

Жаҳондаги аксарият давлатларда қарзлар ва бюджет тақчиллиги ортиб бораётгани тилга олинмоқда

7 →

Янги қонун керак

O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Давлат харидлари шаффофлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



O'zLiDeP фракцияси аъзоси, қўмита раиси Собир Жабборовнинг таъкидлашича, айти пайтда давлат харидлари соҳасидаги бугунги ҳолат билан танишиш, бу тизимга кичик бизнесни кўпроқ жалб қилиш, давлат харажатларининг самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонларга оқилона ечим топиш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда давлат харидларига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

3 →

«Аёллар қаноти» — ҳаракатда



Ишни ўз оилангиз бағридан топасиз

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Аёллар қаноти» томонидан Темурийлар тарихий давлат музейида ташкил этилган «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусидаги давра суҳбати оилавий корхоналарни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига бағишланди.

Йиғилишда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратишга йўналтирилгани билан ҳам ижтимоий аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

4 →

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 22 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бўғаларча ҳисоб, статистика ва бошқа хисобларни қилиш, ҳуқуқдорлик, бошқа ва бошқа мақбурий тўловлар учун ҳозирги валюталарнинг сўмага нисбатан қубдат қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↓ 1841,18
1 Англия фунт стерлинги	↓ 2958,45
1 Хитой юани	↑ 295,49
1 Швейцария франки	↓ 1990,89
1 АКШ доллари	↓ 1868,65
1 ЕВРО	↓ 2386,82
1 Япония енаси	↑ 235,97
1 Украина гривнаси	↑ 233,84

1 Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўша қийматда сотиб олиш шартлиги билан шартли.

Жамоатчилик назорати

ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИДАГИ ЭНГ САМАРАЛИ ВОСИТАДИР



Маълумки, Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да бир қатор муҳим қонунлар қатори «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни ҳам қабул қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Айни пайтда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизғин муҳокама қилинмоқда. O'zLiDeP фракцияси аъзолари эса жо-

рий йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ана шу муҳим қонун лойиҳасини электрот вакиллари билан кенг муҳокама қилдилар. Депутатларнинг фикрича, муҳокама-ларда 1,5 минг нафардан зиёд фуқаролар, жумладан, 700 нафардан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот вакиллари иштирок этиб, лойиҳа юзасидан 200 дан зиёд таклифлар бердилар. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида (Платформасида) партия ўрта синф — тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатини ифо-

далаб келаётгани ва бундан буён ҳам айнан ана шу ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиши устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Зеро, ўрта синф вакиллари мамлакатимизнинг моддий бойликлари ва маънавий қадриятларини яратиш ҳамда қўлай-риш борасида муҳим роль ўйнашчи, ижтимоий жиҳатдан энг фаол, иқтисодий жиҳатдан мустақил кишилар тоифаси саналиб, улар амалий ташкилотчилик тажрибасига эга, ўз ишларини олдиндан режалаштирувчи ва уларнинг оқибатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир кишилардир.

2 →

Мулк ва мулкдор ҳуқуқларининг ишончли кафолати

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МУҲОКАМАСИГА «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КИРИТИЛМОҚДА



Хўш, Концепция асосида ишлаб чиқилган янги қонун ўрта синф вакиллари учун қандай қўшимча имтиёзлар беради? Биз ана шундай саволлар билан Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси М.Турсуновга мурожаат қилдик. — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун жамиятда хусусий мулк эгалари манфаатини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш талабларини сўзсиз бажаришга асосланган барқарорлик ва фаровонлик муҳитини яратишга қаратилган-дир, — дейди М.Турсунов. — Маълумки, давлат хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида тадбиркорларнинг ўз бизнесига бе-хавотир инвестиция кирити-

ши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши ва албатта ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши ҳамда уни тасарруф этиши учун барча имкониятларни яратиш бермоқда. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган кафолатларни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилади. Тўғри, айни пайтда қонунчиликда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини белгиловчи бир қатор ҳужжатлар амал қилмоқда. Лекин шунга қарамай, бугунгача ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя қилиш механизми етарли даражада шаклланимагани ҳам тан олишимиз лозим.

Янги қонунни қабул қилишнинг нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканини ҳатто мулк ҳуқуқига тааллуқли ни-золарни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳам тасдиқ-лаб турибди.

3 →

Бунёдкорлик

УСТЮРТ УЧУН 4 МИЛЛИАРД

Жорий йилнинг 19 май куни пойтахтимиздаги «Intercontinental» меҳмонхонасида «Uz-Kor Gaz Kemikal» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳамда кредиторлар консорциуми ўртасида «Газ қудуқларини қуриш орқали Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш» лойиҳасига оид келишувларга тегишли битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. «Ўзбекнефтьга» МХК ахборот хизматидан хабар қилинишича, қиймати тахминан 4 миллиард АКШ долларига тенг бўлган мазкур лойиҳага мувофиқ 2016 йилдан қўшма корхонада йилга 4,5 млрд. куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш, энг муҳими, Устюртга қарийб 1000 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Навқирон авлоднинг спорт байрами



НАВОИЙ ШАҲРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2012» РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

...Навоий шахри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар кундуздагидек чарогон. Сержило нур таратаётган ранг-баранг чироклар, енгил хилпиратган байроқлар шаҳарга байрамона рух, ўзгача тароват бахш этган. «Умид ниҳоллари —

2012» мусобақалари муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион меҳмонлар ва спорт мухлис-лари билан тўла.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрининг терма жамоалари кириб келади.

Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг финал босқичини очиб, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари байроғи хилпирай бошлайди.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаси иштирокчилари спорт беллашувариди ҳалол, мардонавор ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

8 →

Мулк ва мулкдор ҳуқуқларининг ишончли кафолати

Давоми. Бошланги 1-саҳифада

Ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашларича, кейинги уч йил мобайнида фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилиши ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ 63816 та даъво аризаси қўриб чиқилиб, уларнинг 74 фоизи тadbиркорлар фойдасига ҳал этилган.

Шу ўринда "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунда (7-модда) мулкдор ўз мулкидан факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина махрум этилиши мумкин, дейилган. Фуқаролик кодексининг 168-моддасида эса мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Бу амалдаги қонунларда давлат эҳтиёжлари учун кўчмас мулкни олиб қўйиш тартибининг аниқ механизми йўқлигини кўрсатади. Бу эса хусусийлаштириш жараёнлари ортага қайтмаслигининг ҳуқуқий базаси етарли мустақамланмагани билан боғлиқдир.

— Бошқа партиядан сайланган депутатларга нисбатан мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP фракцияси аъзолари "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тезроқ қабул қилишни талаб этмоқдалар. Бу қонуннинг мукамал қабул қилинишига таъсир этмайдими?

— Бу саволга жавоб қайтаришдан аввал қонун лойиҳаси жойларда тadbиркор ва ишбилармонлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинганини таъкидлаш лозим. Чунки айнан ушбу қонун илгари турли талқинларга сабаб бўлган ҳолатларга барҳам бе-

риб, хусусий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ масалаларга аниқ ҳуқуқий ечим топиши билан ҳам тadbиркорларимиз эътиборида турибди. Унинг нормаларини рўйбга чиқариш иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қўлай шароитлар яратиш билан бирга тadbиркорлик ташаббусларини ҳам рағбатлантириш, пировардида келиб чиққан ҳолда унга дал тараққий этишига хизмат қилади.

Шу ўринда янги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда бўлаётган парламентдаги бундай сиёсий партиялар фракциялари ўз электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда унга муносабат билдирганларини таъкидлаш мумкин. O'zLiDeP фракцияси аъзолари эса ҳақиқатан ҳам қонун лойиҳасини тезроқ қабул қилиш тарафдори бўлдилар. Зеро, қонун кучга кириши билан партиядан Сайловолди дастурида белгиланган ақсарият масалаларга ҳуқуқий ечим топилди ва электоратга берилган ваъдаларни тўлиқ бажариш имконияти кенгайди.

— Албатта, бозор муносабатларини қарор топтириш учун тadbиркорларга факат ҳуқуқий кафолатлар берилишининг ўзи етарли эмас. Бугунги кундаги асосий масала — бундай ҳуқуқлар ва кафолатлардан тўлақонли фойдалана олиш учун шарт-шароитлар яратиш, тadbиркорлик фаолиятга ҳалақат берувчи ҳар қандай муаммони бартараф этишдан иборат. Шундай эмасми?

Чиндан ҳам қонунни қабул қилинишидан кейин унинг ижросини назорат қилиш ниҳоятда муҳим масаладир. Афсуски, айрим қонунларда ҳавола нормаларнинг мавжудлиги ва ички идоравий ҳужжатлар ортқича тўсиқларни вужудга келтириб, тadbиркорлар учун турли қийинчиликларни юзага келтираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, мулк

АЙНИ ПАЙТДА ҚОНУНЧИЛИҚДА

ХУСУСИЙ МУЛК ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ БИР ҚАТОР ҲУҶЖАТЛАР АМАЛ ҚИЛМОҚДА. ЛЕКИН ШУНГА ҚАРАМАЙ, ҲУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИДА МУЛҚ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИГА СўЗСИЗ РИОЯ ҚИЛИШИ МЕХАНИЗМИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ШАКЛЛАНМАГАННИ ТАН ОЛИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Ҳуқуқнинг муҳим жиҳатларини ҳал қилиш тегишли қонунлар билан тартибга солиниши лозим бўлса-да, амалда у ёки бу давлат органи амалдорларнинг хоҳиш-истаги устуник қилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу эса хусусий мулк ҳуқуқига тажовуз қилганлик учун жавобгарлиқнинг аниқ тушунаси йўқлигидан далолат беради.

Янги қонун лойиҳаси шу маънода ҳам хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустақамловчи базавий қонун айланиши лозим. Шу боис унда конституциявий принципларнинг тегишли қоидаларини батафсил тартибга солиш ва янада аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Фракциямиз аъзоларининг яқдил фикрига кўра, мазкур қонун лойиҳасида қуйидаги жиҳатлар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва уни тугатиш билан боғлиқ барча масалалар қонунда аниқ таърифланиши, хусусий мулк тугатилиши факат суд қарори билан амалга оширилиши, бу жараёнга турли меъёрий ҳужжатларнинг таъкид этилиши мутлақо мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши лозим.

Иккинчидан, турли идораларнинг ноқонунли аралашуви туфайли хусусий мулкка зарар етказилгани исботланса, уни тўлиқ тиклаш ёки компенсация қилиш тўғрисидаги қоида қонунда ўз аксини топиши

зарур. Худди шу сингари яна қатор таклифлар O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан ишчи гуруҳга тақдим этилган.

Албатта, бундай таклифларни тайёрлаш, энг аввало, хориж тажрибаси, шунингдек, мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги мулкдорлар томонидан билдирилган фикрлар атрофлича таҳлил қилинди. Шу ўринда жорий йилнинг март-апрель ойларида O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитаси ҳамкорлигида барча вилоятларда мазкур қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, унда иштирок этган ўч мин нафардан зиёд тadbиркорлар, кўчмас мулк эгалари ўз таклифларини билдирганини таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мулкий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш орқали мулкдор ҳуқуқларининг қўриқлиниши бўйича аниқ чоралар тизимини яратишга ёрдам беради. Мулк ҳуқуқини тугатишининг асослари, шартлари ва чегараларини аниқ белгилаш ва мустақамлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини, модомики, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Озод РАҶАБОВ
сўхбатлашди.

Депутатлик гуруҳларида

Ижро жараёни депутатлар назоратида

O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ IV МАЖЛИСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАНДЕК, МАХАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҶЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАНДИР

Ўз мухбиримиз

Ана шундан келиб чиқиб, жорий йилда депутатлик гуруҳлари томонидан назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимиятининг мансабдор шахсларини ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан эшитиш ҳамда халқ депутатлари вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларига аниқ таклифлар киритиш бўйича жойларда изчил ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Юртбошимизнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тadbиркорлик фаолияти эркинлигини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари, "Мустақам оила йили" Давлат дастури, шунингдек, O'zLiDeP Сайловолди платформасининг асосий йўналишларини қамраб олган ушбу қўлашлар билан айнан куйи бўйинлардаги депутатларга мўлжаллангани билан аҳамиятлidir.

Шу ўринда O'zLiDePнинг барча ҳудудий бўлинмалари депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда мазкур кўрсатмалар асосида ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, депутатлик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганларини таъкидлаш жоиз. Бу жараёнда жамоатчилик вакиллари ҳам фол катнашмоқдалар. Бунга халқ депутатлари Қўшқўйир ва Урганч туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти мисол бўлиши мумкин.

Хусусан, халқ депутатлари Қўшқўйир туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ўзининг навбатдаги йиғилишида "Наҳслчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ижроси юзасидан туман ветеринария бўлими бошлиғи Шоназар Матқоновнинг ҳисоботини эшитди. Тадбирда кейинги беш йилда қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида Украинадан 204 бош зотдор мол келти-

рилиб, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиқларига тарқатилгани таъкидланди. 2012 йилда эса яна 50 бош насли қорамол келтирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, туманда аҳоли ва фермер хўжалиқларидаги сигирлардан насли буюқ олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг ўтган давридагина туман зооветеринария шохобчалари томонидан 2890 бош мол сунъ-

молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги қарорининг ижроси юзасидан туман кишлок ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Маҳмуд Абдуллаевнинг ҳисоботини эшитиш масаласини кўриб чиқдилар. Мазкур бўлимнинг чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН

ДАВРИДАГИНА ТУМАН ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ШОХОБЧАЛАРИ ТОМОНИДАН 2890 БОШ МОЛ СУНЬИЙ УРУҶЛАНТИРИЛДИ. НАТИЖАДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИДА ЧОРВА БОШ СОНИ КўПАЙИБ, ГўШТ ВА СУТ МАҶСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИДИ.

ий уруғлантирилди. Натихада фермер хўжалиқларида чорва бош сони ошиб гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Ҳисобот юзасидан муҳокама-ларда депутатлар Нураддин Нуллаев ва Нураддин Машарипов сўзга чиқиб, қора молларни уруғлантиришнинг сифат кўрсаткичлари, туманда маҳсул шохобчаларни кўпайтириш билан бирга маҳаллий наслини асраб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Қўн тартибидеги иккинчи масала — кишлок врачлик пунктлари, умумтаълим мактаблари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объекти қурилиши борасидаги капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг аҳоли бўйича туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Омонбой Султоновнинг ҳисоботи тинланди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Қўшқўйирда ҳам бу соҳада жуда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Аммо депутатлар асосий эътиборни йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга қаратдилар.

Халқ депутатлари Урганч туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи эса "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳамда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва

балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси Иброҳим Жуманиёвнинг айтишича, давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси юзасидан туманда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, туман ҳокими қарори билан вилоят "Чорва-озуқа" уюшмаси қошида Омукта ем, шрот ва шелука сотиш бирлашмаси ҳамда аҳоли, кишлок хўжалиги корхоналари, фермер хўжалиқларида мавҳуд чорва молларини омукта ем билан таъминлаш мақсадида маҳсул шохобчалар ташкил қилинган.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Илҳом Раҳимов олиб борган йиғилишда O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгашининг Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Мир Рўзметов ҳам сўзга чиқиб, партия Урганч туман кенгашининг 2011 йилдаги фаолияти, қўлга киритилган натижалар билан бирга жойларда йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталди. Айрим ҳудудлардаги депутатлар томонидан қонунчиликни такомиллаштиришга оид бирон бир таклиф киритилмагани, Давлат дастурлари ижросига оид эшитилган ташкил этиш бўйича ҳеч қандай масала сессия даражасига олиб чиқилмаганини айтиб, бу борадаги фаолиятни кескин жонлантириш лозимлигини таъкидлади.

Депутатлик гуруҳларида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давра сўхбати

Давоми. Бошланги 1-саҳифада

Озод РАҶАБОВ,
«XXI ASR»

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилгани беҳиз эмас. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва унга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан давлат харидларининг шаффофлигини ошириш мақсадида электрон аукционлар жорий этилгани, барча давлат харидлари учун Интернетда эълон бериш мажбурияти жорий қилингани, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш учун ҳукумат комиссияси тузилгани бу борадаги ислохотлар изчил давом эттириляётганидан далолатдир.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шароф Омоновнинг фикрича, давлат харидлари масаласига бу қадар катта эътибор қаратиляётгани унинг жуда катта аҳамиятга эга экани билан боғлиқ, албатта. Бюджет харидларининг катта қисмини ташкил этувчи давлат харидлари жамиятда му-

возанатни сақлашга бевоисита таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражага келтириш ўта муҳим масаладир. Бундан ташқари, давлат харидлари иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга оширишда фойдаланиладиган кучли воқеадир. Унинг ёрдамида бевоисита кичик бизнес ва саноят соҳасининг инновацион салоҳиятини рўйбга чиқариш мумкин.

Давра сўхбати давомида давлат харидларини тартибга солувчи қонунчилик нормалари атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур соҳа шу пайтгача меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинаётгани қайд этилди. Бундай ҳужжатларнинг ниҳоятда кўплиги эса давлат харидларининг мураккаблашувиغا олиб келаяпти.

O'zLiDeP вакиллари-нинг таъкидлашича, давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Давлат хариди бўйича белгиланган тартиб-қоидалар жиҳатдан Европа, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан эса Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси қўл келиши мумкин. Йирик харидларни

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шароф Омоновнинг фикрича, давлат харидлари масаласига бу қадар эътибор қаратиляётгани унинг жуда катта аҳамиятга эга экани билан боғлиқ, албатта. Зеро, бюджет харидларининг катта қисмини ташкил этувчи давлат харидлари жамиятда мувозанатни сақлашга бевоисита таъсир кўрсатади.



амалга оширувчи давлат муассасалари раҳбарлари, Молия вазирлиги мутахассислари ва тadbиркорлар иштирок этган тadbирда давлат харидлари тартиб-қоидаларини такомиллаштиришда асосий эътибор маҳсулот етказиб берувчиларни танлашда янги усуллардан кенгроқ фойдаланиш, миллий ишлаб берувчилар ва бюртмачилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш шартлигига қаратилди. Ушбу таклифлар давлат харидларининг шаффоф-

лигини оширишда катта аҳамиятга эгаллиги алоҳида таъкидланди.

Давра сўхбати иштирокчилари қизгин баҳс-мунозаралар якунида давлат харидларини тартибга солувчи алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур, деган ҳулосага келдилар. Ушбу қонун лойиҳаси давлат харидлари хусусиятларини тўлиқ акс эттириши, бу борадаги асосий тамойилларга амал қилинишни кафолатловчи яхлит ҳужжатга айланиши лозим.

Битим

ЯНГИ ЭЛЕКТРОВАЗЛАР СОТИБ ОЛИНМОҚДА

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК компанияси билан 2011 йилда Хитойнинг «CNTC-CNRDLRC» консорциуми ўртасида мамлакатимиз темир йўллари учун 11 та юк вагонини етказиб бериш бўйича имзоланган шартноманинг молиявий масалалари ҳал этилди. Компания ахборот хизматидан хабар қилинишича, ўтган ҳафта Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк» банки ўртасида ана шу электровазларни етказиб бериш бўйича битим имзоланган. Маълумотларга кўра, умумий қиймати 44 миллион 390 минг АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳага мувофиқ, Ўзбекистон темир йўлларига мос равишда ишлаб чиқариладиган локомотивларнинг дастлабкилари ноябрь-декабрь ойларида олиб келинади.

Матбуот анжумани

ЖАМҒАРМАНИНГ ЎЗИДАН 654 МИЛЛАРД

Ўзбек миллий автомагистралари (ЎМА) таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастурига мувофиқ, 2012 йил давомида мамлакатимиз ҳудудида 352 км. асфальт ва 165 км. узунлигдаги цемент қопламали автомобиль йўл, 544 гагонметр ҳажмдаги қўприқлар ва 2 та йўл ўтказиш қурилиши учун 111 та йўл қурилиш техникаси ҳамда 6 та асфальт-бетон комплексларини харид қилиш, шунингдек, ана шу йўналишда фаолият кўрсатаётган 5 та ишлаб чиқариш линияларини тўлиқ модернизациялаш режалаштирилган. Бунинг учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республика йўл жамғармаси томонидан 654 млрд. сўм, Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси ҳисобидан 68,3 млн. АҚШ доллари ҳамда халқаро молиявий институтлар томонидан 90,7 млн. доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Миллий матбуот марказида Республика йўл жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида мамлакат автомобиль йўллари тизими қарийб 184 миң километрни ташкил этиши, Молия вазирлиги ҳузуридаги мазкур жамғарма зиммасига эса ана шу автомобиль йўлларининг 23 фоизини ташкил этган (42 654 км.) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мольлаштириш вазифаси юклатилгани маълум қилинди. — Қиш мавсуми совуқ келиб, ёнғингарчилик кўп бўлгани сабабли дастурга киритилмаган автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ва яхши ҳолатда сақлаш учун ҳукуматимиз томонидан аввалги йилга нисбатан уч баробар кўп, яъни 300 млрд. сўм маблағ ажратилди, — деди жамғарма директори ўринбосари А.Ҳақбердиев. Тадбирда, шунингдек, таъмирланаётган йўллар сифати ҳамда йўл бўйи инфраузулмасини барпо этишга алоҳида аҳамият берилляётгани, хусусан, йўлларнинг геометрик ўлчамлари транспорт ўқиға тушадиган 10 тонналик оғирлиқдан 13 тоннагача кўтариляётгани, ўз навбатида, дастур бўйича ЎМАга туташ ҳудудларда мотель, ёқилтига ва газ қуйиш шохобчалари, тез тиббий ёрдам масканлари каби жами 240 та хизмат кўрсатиш объекти қуриляётгани таъкидланди.

Жараён

Ишни ўз оилангиз бағридан топасиз

Давоми. Бошланиши 1-сифада ◀◀

Наргиза КАХХОРОВА,
«XXI ASR»

— Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да оилавий бизнеснинг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилиб, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келгани алоҳида таъкидланган, — деди тадбирда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Зеро мазкур, қонун оилавий корхоналарга асосланган ҳужалик фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш тартибини соддалаштиришга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Давра суҳбатида, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва қонунда назарда тутилган бир қатор имтиёзлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иш юритиш тартиблари хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари Шароф Амонов, Равил Собиржонов атрофида тўхталди.

— Ислохотларнинг ҳозирги босқичида оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий шакли ўзгариб, бу борада кичик корхона ва микрофирма мақомига хос имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи қонуний асосини яратилиши ўрта қатлам вакиллари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди Ш.Амонов. — Хусусан, оилавий корхона фаолиятини юритиш учун фойдаланиладиган турар-жойлар нотура-жойга ўтказилиши талаб этилмайди, ишлаб чиқаришда сарфланадиган коммунал харажатлар ҳам аҳоли учун ўрнатилган шартлар асосида тўланади. Қонуннинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, халқ бадийи ҳунармандчилиги ҳамда амалий санъати буюмлари ишлаб чиқарувчи оилавий корхоналар ягона солиқ тўловидан озод қилинган.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «РУНАНИ» оилавий корхонаси раҳбари Шоира Раҳимованинг фикрича, Концепция талаблари асосида ишлаб чиқил-



Дастлабки ўн йилликда юртимизда жами оилаларнинг фақат 8,5 фоизи ўзига тегишли уй-жойдан даромад сифатида фойдаланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 31,4 фоизни ташкил этган. 2011 йилда эса оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳасига 42 миллиард сўмдан орტიқ кредит маблағи йўналтирилган.

ган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши минг йиллар давомида шаклланган, анъаналарни янада кенгайтиришга хизмат қилиб, қонунда белгилаган бир қатор имтиёзлар оилавий корхоналарнинг тўлақонли, эркин фаолият юритишини таъминлайди.

— Миробод туманидаги маийши хизмат кўрсатиш корхонасининг гўзаллик саломида ишлаган кезларимда ўзимга тегишли хусусий масканни очини орзу қилардим. Мустақиллик шарофати билан ниятим амалга ошди, — дейди Ш.Раҳимова. — Мана, 10 йилдирки, халқ хизматидамиз. Салонимиз ҳаммиса гажум. Асосийси, фарзандларим доим ёнимда ва иш билан банд. «РУНАНИ»га келсак, у бизнинг оила. Яъни фарзандларим Рустам, Назоқат ва Нилуфар исмларининг умумлашма атамасидир.

Дарҳақиқат, жамиятнинг кичик ва муҳим бўлини ҳисобланган оилалар тинчлиги кўп жиҳатдан унинг ижтимоий мустақамлигига боғлиқ. Эр-хотин, улар қарамогидида фарзандларнинг ҳам-жиҳатликдаги меҳнати эвазига келаётган даромад қундалик эҳтиёжни қоплаш билан бирга оила аъзолари ўртасидаги хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, махаллаларда оилавий тадбиркорлик ва қасаначиликни йўлга қўйиш орқали аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Кейинги йилларда кичик биз-

нес, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги бу каби тўқ, фаровон хонадонлар сонининг тобора ортиб боришига хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра, дастлабки ўн йилликда юртимизда жами оилаларнинг фақат 8,5 фоизи ўзига тегишли уй-жойдан даромад сифатида фойдаланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 31,4 фоизни ташкил этган. 2011 йилда эса оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳасига 42 миллиард сўмдан орტიқ кредит маблағи йўналтирилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда яратилган янги иш ўринларининг 600 мингга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келса, бу борада оилавий тадбиркорликнинг улуши 220 мингдан ортиқдир. Айниқса, иш ижтимоий шерикчилик асосида ташкил этилган жойда янада юқори натижаларга эришилмоқда.

Тадбирда сўз олганлар ана шулар ҳақида фикр юритиб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини барча туманларда, хусусан, чекка қишлоқ жойларидаги хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, махаллаларда оилавий тадбиркорлик ва қасаначиликни йўлга қўйиш орқали аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Муносабат

ХДП ШИОРЛАРИ ҚАЧОН АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ?

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсон ва унинг манфаатларига олий қадрият сифатида қаралиб, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашнинг «ўзбек модели» яратилди. Бунда аҳолининг кам таъминланган қатлами — ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга амалий ёрдам кўрсатиш асосий масала сифатида танлаб олинди. Шу ўринда 1991 йили «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, тизимда ўзига хос ҳуқуқий асос яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий ҳимояга ажратилаётгани, фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий-социал аҳолини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар қўламини йил сайини кенгайтигани эса халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилапти.

Амалдаги қонунчилик ва қабул қилинган давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, уларнинг муваффақиятли амалга оширилишида эса шубҳасиз аҳолининг у ёки бу қатлам манфаатларини ҳимоя қилаётган сиёсий партияларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш функцияси самардорлигини янада ошириш кўп жиҳатдан партияларнинг ушбу жараёндаги иштироки билан чамбарчас боғлиқ, десак хато қилмаган бўламиз. Бироқ жойларда бўлагимизда айрим сиёсий кучларнинг бу борадаги фаолияти кутилган натижа бераётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Юртбошимиз қарори асосида тасдиқланган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий

ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганганимизда бунга амин бўлдик.

Бугун пойтахт вилоятида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар 2850 нафарни ташкил этиб, уларга зарур ёрдам ва малакали хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастур доирасида тегиш-

сус шифокор бириктирилмаган. Бу борада икки нафар имконияти чекланган фуқаро соғломлаштирилгани айtilсада, лекин амалда бу иш охирига етказилмаган. Шунингдек, баъзи бир идоралар томонидан бепул дори-дармон ва озиқ-овқат учун ажратилган маблағларни хўжасизларча талон-тарож қилиш, ҳисоботларда бажарилмаган ишларни бажарилди, деб кўрсатиш ҳоллари ҳам содир

ЎЗ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА

«Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштиришга устуворлик берган ХДП бундай масалаларга иккинчи даражали иш сифатида қараётди.

ли имтиёзлардан фойдаланувчи ва ўзгалар парваришига муҳтож 1339 нафар фуқарога ҳар ойда 427 млн. сўмлик тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. 73 нафар ёлғиз кексалар муурохаати қаноатлантирилиб, улар турли сihatтоҳиларга жойлаштирилди. Шу ўринда маҳаллий бюджетдан ажратилган 132 млн. сўм маблағ ҳисобидан «Мурувват» уйларида таъмирлаш ишлари олиб борилганини таъкидлаш жоиз. Бироқ шунга қарамай, дастурда ўз аксини толган айрим бандлар бажарилмай қолмоқда.

Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги 317 имконияти чекланган фуқароларга имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш, беда дори-дармон билан таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Ангрэн шаҳридаги айрим ёлғиз кекса ва ногиронларга ҳам талаб даражасида хизмат кўрсатилмаган. Саҳоват ва мурувват уйларида спорт инвентарлари билан таъминлашга 7,4 миллион сўм маблағ ажратилганига қарамай, мутасадди ташкилотлар масъулиятсизлиги туфайли ушбу маблағ мурувват уйлари ҳисобига ўтказилмаган.

Бундан ташқари, айрим геронтологик ва гериастрик ёрдами ташкиллаштириш бўйича ёлғиз кексаларга мах-

бўлмоқда. Буларнинг барчаси «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури» ижросини таъминлашда Тошкент вилоятида лоқайдликка йўл қўйилмоқда, деганидир.

Бундай таҳлиллар эса соҳада рўй бераётган камчиликларни аниқлаш ва улар устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни талаб этади, албатта. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу жараёнда айнан ана шу қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган ҲДП вакиллари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган. Зеро, бугун «Миллий тиклаш» ДП миллий табуреткалар ишлаб чиқаришни назоратга олмапти, O'zLiDeP тадбиркорга кредит бермаётти қабилидаги саёз муносабатлар даври ўтганини тан олмаслик мумкин эмас.

Бундан Тошкент вилоятида нисбатан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаган халқ демократлари тегишли хулосалар чиқарсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ўз Сайловолди дастурида «аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш»га устуворлик берган ХДПнинг бундай масалаларга иккинчи даражали иш сифатида қараётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги ҲДП депутатлик гуруҳининг ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти таҳлилларидан ҳам ана шундай хулоса чиқариш мумкин. Зеро, ХДПнинг худуддаги масъулари давлат дастурларининг бажарилиши у ёқда турсин, партия электорати вакиллари манфаати билан боғлиқ бирорта масалани ҳам назоратга олиб, уларни сессияларга олиб чиқмаганлар.

Мақолага нукта қўяр эканмиз, халқ демократлари Сайловолди платформаларида жимжимдор сўзлар билан битилган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясига — устуворлик!» «Иқтисодий ислохотларга — ижтимоий самардорлик», «Ижтимоий хизмат кўрсатиш — юқори сифатли ва барча учун мақбул бўлсин», «Устувор ижтимоий дастурлар бажарилишининг самардорлиги оширилсин» каби шиорларини яна бир бор эслатишни лозим топдик. Зеро, галвир сувдан қутариладиган пайтда сайловчи ушбу шиорларнинг ҳаётдаги аксини кўришни истаиди.

Ёшлар қаноти

Жамиятда ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Ёшларнинг эса алоҳида...

«Ёшлар қаноти» янги авлод вакилларининг билим ва тафаккурини бойитишга алоҳида эътибор қаратмоқда

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Наманган вилоятида 11021 нафар O'zLiDeP аъзосининг 4467 нафари, яъни 41 фоизни навқирон йигит-қизлар ташкил этмоқда. Шу боис O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган аксарият партиявий-сиёсий тадбирлар ёшлар иштирокида ўтмоқда.

— Айни пайтдаги асосий вазифамиз — ёшларнинг билим ва тафаккурини бойитишга хисса қўйишдан иборат, — дейди вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири М.Юсуфжонов. — Шундагина тенгдошларимиз мустақил ҳаёт оstonасига дадил қадам қўя оладилар. Касб танлашда муаммоларга учрамайдилар, тинч ва фаровон ҳаётимизга ҳасад билан қараётган айрим кўчлар кўтқусига учинмайди, онгли равишда уларга қарши тура оlishади. Шу мақсадда «Юрт равнақи ва келажик» учун барчамиз масъулмиз», «Сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида», «Ёшлар ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни», «Замонавий технология — давр талаби», «Мутахассис-

линг — сенинг касбинг», «Болаларга қувонч ва шодлик улашайлик» мавзуларидаги давра суҳбат ва семинар-тренинглр фаолиятимизни жонлантиришда яхши самара бераёпти.

Шу ўринда бўлим ёшларни ўйлантириётган муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда ҳам фаол иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Ёшлар орасида ишсизликни қамайтириш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари ва фаровон келажакларини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш шу маънода ҳам кенгаш фаолиятида устувор вазифага айланган. Айтиш керак: Наманган вилоятида истиқомат қилаётган 2,5 миллионлик аҳолининг 56 фоизи навқирон авлод вакиллари. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 32639 та тадбиркорлик субъектининг 28754 таси эса кичик бизнес субъектлари бўлиб, улар янги иш ўринлари яратиш орқали ёшлар бандлигини таъминлашда фаол иштирок этаётдилар. Улар саҳида янада кенгайтириш мақсадида эса жойларда турли семинарлар, давра суҳбатлари ва танловлар ўтказилиб, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар ва

қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Шунингдек, бўлим мутахассислари томонидан бевосита тадбиркорлик масаласи билан шуғулланувчи тегишли соҳа вакиллари ва тажрибали тадбиркорлар билан очик мулоқотлар уюштирилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболлари», «Ким тадбиркор бўла олади?», «Хунар билган — хор бўлмас», «Диплом билан — бизнесга» каби тадбирлар ёшларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилаёпти.

Ёшларнинг ўз бизнесини бошлашга «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси, айниқса, катта ёрдам бераётди. Унинг охириги босқичи яқунларига кўра, 15 нафар наманганлик битирувчиларга имтиёзли кре-

дит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятдаги 106 та касб-хунар коллежини битирган 41880 нафар ёш йигит-қизнинг 34667 нафари, яъни 82,8 фоизи доимий иш ўринларига эга бўлди.

Яқинда O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда «Мулкдор оила — фаровон жамият бунёдкори» форумини ўтказиб, тадбир қатнашчиларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан атрофлича маълумотлар берилди.

Форум доирасида жорий йилда амалга оширилаётган «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам», «Хавфсиз интернет», лойиҳаларининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими партия дастури ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иш олиб бормоқда.

НАМАНГАН
ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН 2,5 МИЛЛИОНЛИК АҲОЛИНИНГ 56 ФОИЗИ НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИДИР.

Брифинг

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДИ, ОНА-ВАТАН СЕНИ ЧОРЛАЙДИ!

ЖОРИЙ ЙИЛ ТАҲЛИЛЛАРИ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФИНИ ТАМОНЛАЙДИГАН 590 МИНГ 345 НАФАР БИТИРУВЧИНИНГ 7-8 ФОИЗИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА, 82-83 ФОИЗИ ЭСА КАСБ-ХУНАР ҚОЛЛЕЖЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛИШНИ РЕЖАЛАНТИРАётганини Кўрсатмоқда

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI ASR»

Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан пойтахтимиздаги 69-мактабда ўтказилган брифингда ана шундай маълумотлар эълон қилинди.

Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўш божкармаси бошлиғи Ф.Аҳмедовнинг таъкидлашича, айни пайтда халқ таълими тизимини 9763 та умумтаълим мактаби, 301 та мусиқа ва санъат, шунингдек, 443 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари

СИРДАРЁ. Сирдарё туманидаги «Кардио сервис» хусусий фирмаси қошидаги БПТда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида» номли китоби ҳамда «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёنларини изчил давом эттириш йўлидир» номли маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра сўхбати ташкил этилди.

ФАРҒОНА. О'zLiDeP Риштон туман кенгаши БПТ фаоллари учун «Оилавий бизнесдан катта тадбиркорлик сари» мавзuida очик мулоқот ўтказди. Катнашчиларга соҳа мутахассислари томонидан тадбиркор оилалар сафини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш йўллари тўғрисида тушунча ва тавсиялар берилди.

ТОШКЕНТ. Миробод туманидаги «Ўзтемирўйўловчи» ОАЖдаги бошланғич ташкилотда «Мустақкам оила йилида О'zLiDePнинг устувор вазифалари ва унда БПТнинг роли ва ўрни» мавзuida семинар бўлиб ўтди. Унда «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда БПТнинг ўрни муҳим эканлиги хусусида сўз юритилди.

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 24 май, пайшанба 21-(445)-сон

«Аёллар қаноти»

АНДИЖОН.

«Аёллар қаноти»нинг Хонобод туман «Анҳор» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликдаги тадбири хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақкамлаш масаласига бағишланди. Тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти хусусида ҳам атрафлича фикр юритилди.

НАВОЙЙ.

Хонадонларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлишлари нафақат оила, балки жамият фаровонлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан оилада тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, аёлларни эркин меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш ҳар галгидек муҳим аҳамиятга эгадир. Навоий вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Учкудук туманида ташкил этилган тадбир айна шу мавзуга бағишланди. Унда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга бошланғич сармоя олишда амалий кўмаклашиш, ушбу соҳанинг мониторингини юритиб бориш масаласи атрафлича муҳокама қилинди.

Қашқадарё.

Ҳузур туманидаги нефть-газ саноати касб-хунар коллежида «Олий ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва зарурияти» мавзуга бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда коллеж талабаларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг бир қисмини йирик саноат корхоналарига касаначилик асосида ишга жойлаш масаласи кўриб чиқилди.

Наргиза Қажҳорова тайёрлади.

Энг аввало сифат керак

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН БЎЛИБ, БУНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Сиёсий куч илгари сураётган ғоя ва мақсадларни тарғиб қилиш ва ана шу ғоялар атрафида маслақдошларни бирлаштириш бошланғич ташкилотлар зиммасидаги асосий вазифадир.

«Ўзметасабзавотузмасаноат-холдинг» компанияси қошида ташкил этилган БПТ аъзолари бунга тўғри аниқлаш ҳолда ўз фаолиятларини мамлакатда амалга оширишга кенг қўламли ислохотлар ва партия дастури асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

— Партия аъзолиги ҳар бир киши зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — дейди компания ходими Рустам Мамарайимов. — Мен ҳам турли партияларнинг низоми ва дастурларини ўрганиб, О'zLiDeP сафига киришга қарор қилдим. Ҳозир партия сафига туриб, олдимизга қўйилган вазифаларни партиявий кўрсатмаларга уйғунлаштиришга интиляялман.

Корхона қошидаги бошланғич ташкилот атрафида Р.Мамарайимовга ўхшаган 20 дан зиёд фаоллар уюшган. Улар ўз бурчларини яхши англашади. Аслида ушбу БПТ партиянинг қалдирғоч куйи бўғинларидан ҳисобланиб, деярли саккиз йиллик сиёсий тажрибага эга.

— Бугун мамлакатимизда ке-чаётган сиёсий жараёнлардан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас, — дейди БПТ раиси Абдукарим Умаров. — Шу боисдан бошланғич ташкилотимиз корхонаимизнинг барча ишчи-хотимлари учун амалий-семинарлар ташкил этишни йўлга қўйган. Бу тадбирларда давлат ва жамият бошқарувини янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳияти очиб берилаяпти. Бу амалда ўз самарасини бериб, ишчи-хотимларнинг меҳнат коэффици-ентини оширишга хизмат қила-япти.

Кўрииб турибдики, ушбу БПТ



Корхона қошидаги бошланғич ташкилот атрафида Р.Мамарайимовга ўхшаган 20 дан зиёд фаоллар уюшган. Улар ўз бурчларини яхши англашади. Аслида ушбу БПТ партиянинг қалдирғоч куйи бўғинларидан ҳисобланиб, деярли саккиз йиллик сиёсий тажрибага эга.

аъзолари ўз сиёсий қарашлари-га эга. Уларнинг шахсий таш-вишлар билан ўралашиб қолмай партия тақдири, юрт келажаги учун жиддий қайғуришлари ки-шини мамнун этади.

— БПТда мунтазам равишда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остона-сида» китобининг мазмун-моҳия-ти, унда баён этилган муҳим жиҳатларни тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирлар кўриб борилмоқда, — дейди ташкилот фаоли Шухратилло Азизов. — Бу китобни синчиклаб ўрганар экансиз, мустақилликнинг қанча-лар буюк неъмат эканини ан-глайсиз. Биз мулқла янги замон-да, мулки, бойлиги, сиёсий қарашлари, жамиятдаги мақе-дан қатъий назар, ҳар бир ин-соннинг фикри давлат бошқару-вида муҳим ҳисобланадиган бир даврда яшаймиз. О'zLiDePнинг сиёсий интилишлари эса ушбу жараёнларни жадаллаштириш, турмуш маданияти ва фаровон-лигини янада оширишга қаратилгандир.

Ҳаётда ҳамма иш силлиқ ке-тавермайди. Биз ушбу БПТ фа-олияти билан танишар эканмиз, мавжуд муаммолар билан ҳам қизиқдик. Маълум бўлдики, партия аъзоларининг партиявий-

сиёсий билимларини ошириш бўйича туман ва шаҳар кенгаш-ларидан янада фаолроқ бўлиш талаб этилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб жорий йилнинг айна чораги мобайнида бирорта партия аъзоси сиёсий таълим курсларига жалб қилинмаган. Шунингдек, уларни кўшимча сиёсий адабиётлар билан таъ-минлашда ҳам совуққонликка йўл қўйилмоқда. Юқори партия ташкилотлари асосан ҳисобот-лар талаб қилиш, турли тадбир-лар ўтказиш билан чегараланиб қолаётди. БПТларга бўлган му-нособатни тубдан ўзгартирадиган пайт келди. Сабаби — ра-бат ва эътибор, маслаҳат ва ама-лий кўмак бўлмаган жойда қизи-қиш сўниб, партиявий-сиёсий ишларга пугур этиши эҳтимол-дан йироқ эмас.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши-нинг 2012 йил 31 мартда бўлиб ўтган IV мажлисида, шунингдек, Тошкент шаҳар кенгашининг на-вбатдаги кенгайтирилган йиғи-лишида ҳам куйи бўғинларга жиддий эътибор қаратиш зарур-лиги алоҳида таъкидланган эди. Зеро, гап фақат сонда эмас, бал-ки асосан сифатдадир. Бошла-нғич ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйишда бу асосий мезон-га айланиши лозим.

«Саломатлик-2» лойиҳаси ҳам назоратда

«ПАРТИЯ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ХОЗИРГИ ДАВР ТИББИЯТИНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ДУНЁДА ИЛҒОР ЎРИНЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИКНИ САҚЛАШ РИВОЖИ. ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯЛАШ, УМР УЗОҚЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЙўлиДА ҚУРАШАДИ»

Асқор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

— О'zLiDeP Дастуридаги бу жумлалар қишлоқ ва ма-ҳалла фуқаролар йиғинлари, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, ту-манимиздаги бир қатор кор-хона ва ташкилотларда ўтка-зилаётган тадбирларда қайта-қайта тилга олинаётган бежиз эмас, — дейди Бу-хоро туман тиббиёт бирлаш-маси шифокори, бошланғич партия ташкилоти раиси Умид Ҳамроев. — Негаки, эришаётган барча ютуқлари-мизнинг асосий омиллари-дан бири юртимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани туғайди.

Шу ўринда тиббиёт бир-лашмаси О'zLiDeP бошлан-ғич ташкилоти иш режаси-дан айнан соғлиқни сақлаш та-тизини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қатор тадбирлар ўрин олганлиги ҳамда улар айнан БПТ атрафида уюшган маслақдошлар саъй-ҳарака-ти билан изчил амалга оши-рилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

БПТ етакчиси У.Ҳамроев ҳамда унинг сафдошлари ту-ман ва вилоят миқёсида ўтка-зилаётган, ёшларни истиқ-лол ғояларига садоқат руҳи-да тарбиялашга йўналтирил-ган тадбирлар, шу жумладан, спорт мусобақаларини таш-киллаштиришда ҳам фаол-лик кўрсатишяпти. Жорий йилнинг январь ойида Га-ласан шаҳрида бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳарақати билан спортнинг шашмақ тури бўйича вилоят очик биринчилиги ўтказил-гани ҳам бунга мисол бўла олади. Қорақўл, Олот ва Ро-митан туманларидаги акаде-

мик лицей ва касб-хунар кол-лежлари ўқувчи-ёшлари ўзаро беллашган мазкур тадбир иш-тирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мусобақа якунида голибларга партия туман ке-нгашининг эсдалик совгалари топширилди. Энг муҳими, му-собақалар оралигида ёш шах-матчиларга О'zLiDePнинг мам-лакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида батафсил маълумотлар ҳам берилди.

Партия туман кенгаши ва тиббиёт бирлашмаси қошида-ги БПТ ҳамкорлигида ўтказил-ган «Диплом билан — бизнес-га» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинар ҳам бошловчи биринчи қадам сифатида эътибор этилгани бежиз эмас. «Агробанк», «Халқ банки», «Қишлоқ қурилиш банк»и ту-ман бўлимларининг масъул хо-димлари иштирок этаётган тадбирларда битирувчи тала-баларни қизиқтирган барча са-лоомларга батафсил жавоблар берилди.

Шу ўринда тиббиёт бирлаш-масидаги 15 нафар О'zLiDeP аъзосидан иборат БПТ жойлар-да партиявий-ташкилоти, тар-ғибот-ташвиқот, маънавий-мар-рифий тадбирлар ўтказишдан ташқари мавжуд 45 та қишлоқ врачлик пунктининг «Саломат-лик-2» лойиҳаси асосида таъ-мирланиши ва замонавий жи-ҳозланишида ҳам фаол ишти-рок этапти. Бу эса ўз навба-тида тиббий хизмат қўрсатиш сифатини яхшилаш, қатор ка-салликларнинг олдини олиш имконини берибди, албатта. Ма-салан, биргина ўтган йилда бирлашмада 9062 нафар бемор даволаниб, ўз дардига шифо топди. Бунда бошланғич партия ташкилоти фаоллари ҳисоб-ланмиш шифокорларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Партиявий масъулият тўла ҳис этилмаяпти

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ МАВКЕИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРДАН БИРИ БУ ЭЛЕКТРОРАТНИ ЖИПСЛАШТИРУВЧИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИДИР

Хўш, Самарқанд вилояти-нинг Тайлоқ туманидаги мас-лақдошларимиз ана шу мезон-га қай даражада амал қилмоқ-далар?

Айни пайтда 168 мингдан зиёд киши истиқомат қилаёт-ган ҳудудда юздан ортиқ тур-ли корхоналар ва қатор тад-биркорлик субъектлари фао-лият кўрсатмоқда. Айтиш жо-изки, тайлоқликлар тадбиркор-лик билан бирга шахсий томо-рқдан ҳам унумли фойдала-нишининг ҳадисини олганлар. Аммо ана шундай шароитга қарамай, ҳудудда тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган О'zLiDeP фаоллари фаолияти талаб даражасида эмаслиги таажубланарлидир. Масалан, сайловлардан сўнг депутатлар томонидан туман кенгаши сес-сиясига бор-йўғи битта маса-ла киритилгани ҳам энг йирик депутатлик гуруҳига эга бўлган О'zLiDeP туман ташкилотиди ташаббускорлик этишмаётган-ини кўрсатмоқда.

— Аччиқ бўлса-да айтиш керак: айрим депутатларимиз ҳанузгача масъулиятни тўлиқ ҳис этмаяптилар, — дейди ту-ман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари З.А-вазов. — Баъзи депутатлар

ҳатто сессия йиғилишларида номигагина қатнашмоқдалар. Тўғри, О'zLiDePдан сайланган депутатлар анча фаолроқ иш-лашапти. Бошқарар ҳам улар-дан ўрнак олишса, чакки бўлмасди.

Гарчи Тайлоқда О'zLiDeP фаолиятига нисбатан ана шун-дай илиқ фикрлар билдири-лаётган бўлса-да, 911 нафар О'zLiDeP аъзосини бирлашти-риб турган 36 та БПТ фаоли-яти талаб даражасида эмасли-гидан кўз юмиб бўлмайдим. Партия туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман ке-нгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Яздон Ҳам-роев ҳақиқатан ҳам ҳудудда партиявий-ташкилий ишлар етарли эмаслигини таъкидла-ди.

— Маълумки, ҳар қандай

етақчи ишга унинг фаолияти-га қараб баҳо берилди. Айтай-лик, жорий йил бошида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда етакчиликлани олоийқ ҳисоб-ланганлардан 3 нафари ўрни-га янгилари сайланди. Зеро, етакчидан талаб қилинадигани сиёсий фаоллик ва ташаббус-корликдир. БПТ раисида шу хусусиятлар мавжуд бўлганда-гина, улар қўзланган мақсадга эришадилар. Бунда маҳаллий кенгаш депутатларига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Масалан, ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессияда депутат-лик гуруҳимиз Президентимиз-нинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайти-риш ва ички бозорни тўлдир-ишга доир кўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги қарори-нинг тумандаги ижросига оид масалани кўриб чиқди. Ҳудуд-да қиш учун ғамланган мева-сабзавот маҳсулотларини сақ-лаш учун яроқли совуқхона ҳам йўқ эди. Сессия муҳокама-сидан сўнг мева-сабзавот сақ-лаш имкониятига эга қатор совуқхоналар қурилиб, фойда-ланишга топширилди.

Яна бир масала — тумани-миз аҳолисини ва Ургут-Сама-рқанд йўналишида қатновчи

автотранспорт эгаларини қўлаб бериб қийнаб келаётган муаммолардан бири — «Тай-лоқ дехқон бозори» МҲЖнинг йўл ёқасида жойлашгани ва бунинг пийёдалар, транспорт қатновига жиддий ҳавф туғди-раётганлиги эди. Депутатлар ташаббуси билан бозор ҳуду-ди ободонлаштирилди. Айни кунда қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Аммо бу барча муаммолар ҳал бўлди, дегани эмас. Асо-сий йўлнинг 6-7 километрни ҳудуди ҳануз таъмирталаб. Шу боис транспорт у ёқда турсин, пийёдалар ҳаракати учун ҳам қийинчилик туғилмоқда. Депу-татларимиз бу масалада ҳам иш олиб бормоқдалар...

Сўхбатимиз давомида ҳали туманда депутатлар, партия фаоллари эътибор қаратиши лозим бўлган юмушлар кўпли-гига амин бўлди. Бошланғич ташкилотлар масаласига кел-сак, уларнинг фаолиятини давр талаби билан уйғунлаш-тириш энг асосий масаладир. Зеро, партиявий вазифалар моҳияти тўлиқ аниқлаб этилган жойдагина туб бурилиш бўла-ди. Буни асло унутмаслик ло-зим.

Сўхбатдош:
Муҳаббат РАВШАНОВА.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси
2012 йилнинг 6 ойига БПТлар учун имтиёзли ОБУНА
уюштирилаётганини маълум қилади.



Мурожаат учун телефон:
(83-371) 215-63-80

Банк тизими

Молиявий ҳамкорликда ҳикмат кўп

2012 йилнинг 1 май ҳолатига «ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИГА ҚЎЙИЛГАН АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ 30 МЛРД. СЎМДАН ОШИДИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Бу, шубҳасиз, мазкур молия муассасасига нисбатан миқдорлар ишончи ортиб бораётганидан далолатдир. Жамоа учун ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳам муваффақиятли келди, дейиш мумкин. Давлат дастурига асосан тадбиркорлик соҳасига 82,8 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Истиқболли бизнес лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш тўғрисида шунинг 195 таси кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қар томонлама кўмак бериш банк жамоасининг диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Жорий йилнинг айнаи давригача ишбилармон аёллар учун 4,4 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди.

— Ўтган йили «Трастбанк»дан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кредит олган эдик, — дейди Зангиота туманидаги «ФАРРО-ФАРНО ТЕКС» МЧК раҳбари Соҳида Носирова. — Шу-шу банк билан ҳамкорликни кенгайтираётимиз. Айнаи пайтда сифатли пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бунинг учун 15 нафар хотин-қиз жалб этилган. Олдимизга қўйган мақсадимиз бitta. У ҳам бўлса, ишлаб чиқаришни модернизация қилиб, махсулот турини кўпайтириш ва дизайнни бойитишдир. Шу мақсадда 104 млн. сўм кредит олиш учун банкка мурожаат қилганмиз.

Энди наманганлик тадбиркор, «Зулфиябегим Мед сервис» хусусий кор-



хонаси директори Нигора Бойматованинг сўзларига эътибор берилик. — Биз банкнинг Наманган филиалдан 170 млн. сўм лизинг хизмати эвазига ультратовушли диагностика ускунасини харид қилишга эришдик. Муродимиз ҳосил бўлди. Айнаи пайтда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётимиз. Яқин келажақда мўлжалланган бир қатор янги режаларимиз ҳам бор.

Ҳа, дарҳақиқат шундай. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2012 йилнинг 1 мартдан «Мустаҳкам оила» номли янги омонат тури жорий этилди. Банк жамоаси миқозлар учун содда, осон ҳужжатлар мажмуасини тавсия этаётир. Шу билан бирга ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. «Ёш оилаларга — истеъмол кредити» дастури ишлаб чиқилган

бўлиб, унга кўра катта ҳаётга қадам қўйган оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари учун уч йил муддатга маблағ ажратилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда банк томонидан чакана бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳолининг банкка бўлган қизиқиши ва ишончини янада ошираётир. Узаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда «Банкнинг 2012-2013 йилларга мўлжалланган чакана бизнес стратегияси» махус дастури алоҳида аҳамият касб этаётти. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинаётган дастур ўзининг қутилган самарасини бермоқда. Эндиликда миқозлар банкнинг Тошкент, Андижон, Наманган ва Термиз филиаллари ҳамда исталган минибанкда ўз омонатларини жойлаштиришлари мумкин. Омонатлар суммаси учун чеклов қўйилмаган. 2012 йилнинг январь ҳолатига

олиб қарайдиган бўлсак, миллий ҳамда хорижий валютада депозитларга жалб этилган омонатлар ҳажми ўтган йил бошига нисбатан 52 фоизга ўсган. Амалдаги йилнинг 1 май ҳолатига жисмоний шахслар томонидан қўйилган жамғармалар ҳажми 30 млрд. сўмдан ошиб кетганлиги ҳам интилиш ва изланишлар самарасини бир қатор янги ишларга қўйибди. Бу эса миқозларнинг «Трастбанк»ка бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётганлигини далолатидир.

Молия бозоридида бугунги соғлом рақобат муҳити тижорат банкларидан нафақат сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, балки аҳоли учун янги, замонавий қулайликлар яратишни ҳам тақозо этмоқда. Бунга яхши англаган «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик-биржа банки жамоаси давр билан ҳамқадам бўлишга, истеъмол кредитлари бериш тартибини соддалаштиришга интиляпти. Зеро, миқоз банк учун эмас, балки миқоз учун хизмат қилиши муҳимдир.

Реклама ўрнуда



Солиқ тизими

80 МЛРД. — ЎТГАН ЙИЛГИ НАТИЖА

«Солиқ сибсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масалалари» мавзусидаги матбуот анжуманида 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида 80 миллиард 300 миллион сўм миқдоридида маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолгани таъкидланди. Жорий йилда эса санаот соҳасидидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ юки 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди. Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига халқаро тендерларда чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳамда ўзи ишлаб чиқарган товар ёки хизматни тақдим этиш бўйича бевосита хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Мазкур шартномалар экспорт шартномаларига тенглаштирилиб, бундай корхоналарга экспортчи субъектлар учун кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши белгиланди. Матбуот анжуманида, шунингдек, оилавий тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар, хусусан, улар фаолиятини текширишлари сонини қисқарттиришга оид имтиёзлар хусусида ҳам атрафлича маълумот берилди.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқда ҳал қилувчи куч

Отамдан қолган далалар

ШАҲРИХОН ТУМАНИДАГИ «МИРИШКОР ДОЛИМБОЙ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, О'ЗЛИДЕР АЪЗОСИ ЗУХРА РАЗЗОҚОВА СУРАТИГА ЧИЗИЛДАН

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Зухра опанинг ота-бураси бир умр даллада тер тўкиб, меҳнат қилди-ю, лекин ерга эгалик қилолмай бу дунёдан ўтдилар. Мустақиллик эса Зухра Раззоқовага ана шу орзу-армонларини рўёбга чиқариш имконини берди. У фермерлик ҳаракати бошланиши билан биринчилардан бўлиб шу ишга қўл урди. Турмуш ўртоғи, инженер-механик Сохатали ака, ўғиллари

4,5 млн. сўм даромад олинди. Албатта, бундай натижага эришишда уруғчилик ва агротехнология соҳасидида изланишлар ўз самарасини берди. Фермер хўжалигида ғўзанинг «Султон», бугдойнинг «Таня» навларидан мўл ҳосил олинмоқда.

— Фермер бўлишим ва хўжалик ишларини йўлга қўйишимда О'зЛиДеРнинг ёрдами катта бўлди, — дейди Зухра Раззоқова. — Оёғи ердан узилмаган, узокни кўра билмайдиган, фермерларга ишонмаган айрим мутасаддилар томонидан йўл қўйилган до-

олинди. Фермер хўжалиги қошида ихчам машина-трактор парки ташкил этилиб, ён-атрофдаги қўшни фермер хўжалиқларига ҳам техника хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Фермер хўжалигини айнаи пайтда оилавий корхона, деб ҳам аташ мумкин. Чунки юқоридида айтганимиздек, опанинг турмуш ўртоғи Сохатали ака, ўғиллари Санжарбек, Зафарбек, келинлари Замира, Умида, қизлари Зиёлла, Гуллола, Хулқарой, кўёвлари Турсунбой ва Шәрбек шу ерда меҳнат қилмоқдалар.

— ЮРТБОШИМИЗНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ФЕРМЕРЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР БИЗГА КАНОТ БЎЛМОҚДА, — ДЕЙДИ ЗУХРА ОПА.

Санжарбек ва Зафарбек унга қўш қанот бўлдилар. — Мана шу далаларда отамнинг излари бор, — дейди Зухра опа. — Буни қараганки, энди шу ерлар менга насиб этди. Бизга шундай имкониятни берган мустақилликка шукроналар келтирамиз.

«Миришкор Долимбой» фермер хўжалиги раҳбари бир гектар майдонда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, фермернинг 56 гектар ери бор. Ҳосилдорлик-йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили пахта тайёрлаш шартномавий режаси 107 фоизга, дон — 105, пилла 101 фоизга бажарилди. Фермер хўжалиги аъзолари асосий этиборини ҳаражатларни камайтириш, иқтисодий самарадорликка эришишга қаратмоқдалар. Натижада ўтган йили пахтадан 79 млн. сўм, ғалладан 37 млн. сўм, пиллачиликдан

латсизликка қарши курашишда партия менга қанот бўлди. О'зЛиДеР Шаҳрихон туман кенгашининг раиси Қаҳрамон Саримсоқов, Хотин-қизларнинг жамиятидаги ўрни ва фаолигини ошириш бўлими муdiri Умида Исаева мен билан елкама-елка турдилар. Ўзим ҳам партия сафида ҳар томонлама чинқидим, либерал гоғлар учун курашишни ўргандим. Шунинг учун бўлса керак, ўтган галги қаҳриқда сайловчилар туман кенгашига депутат этиб сайладилар.

Дарҳақиқат, партия сафида тобланган Зухра опа ер ва мулк эгаси бўлган, хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириш орқали бошқаларга ўрнак бўлишга интилди. Ҳозир хўжаликда 42 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда тузилган бошланғич партия ташкилотининг эса 20 нафар аъзоси бор. Хўжаликка лизинг асосида «ТТЗ-80», кредитга иккита «МТЗ-80» трактори сотиб

— Юртбошимизнинг фармон ва қарорлари асосида фермерларга берилаётган имтиёзлар бизга қанот бўлмоқда, — дейди Зухра опа. — Ер майдонларини оптималлаштиришда яхши фермерлар сараланди. Шарҳнома режаларини бажараётган фермерлар ери кенгайиб бормоқда. Ўз ўрнида режаларни бажармасдан, эрининг умрини бекор ўтказаятган фермер эса «арава»дан тушиб қолмоқда.

Бугун ҳам фермер хўжалигида ишлар кизгин. Ғўза парваришида долзарб палла бўлса, ҳадемай ғалла ўрими бошланади. Бундан ташқари, 24 қути ипак қурти ҳам меҳр билан парваришланмоқда. Ундан 1500 килограмм пилла етиштириш режалаштириляпти.

Истиқлол туфайли мулкдор бўлган шаҳрихонлик Зухра опа бошлиқ фермер хўжалиги аъзоларида ерга эгалик ҳисси кучайиб борар экан, уларда меҳнатга муносабат ҳам ўзгариб бормоқда. Чунки бугун деҳқон ўз меҳнатининг натижасидан бевосита манфаатдор. Иқтисодий муносабатдорлик устувор бўлган жойда эса иш юришаверади.

Реклама ўрнуда

«Туронбанк» янги акция эълон қилди



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИ ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА. БУНИ ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАР МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН


Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги «Умар Шариф» фермер хўжалиги очик акциядорлик-тижорат «Туронбанк»нинг доимий миқозларидан бири саналади. Хўжалик жамоаси банк билан молиявий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиб, янгидан янги муваффақиятларга эришмоқда.

Маълумки, Қоровулбозор тумани яқин вақтларгача деҳқончилик қилиш ноқулай бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланарди. Истиқлол шарофати билан аҳвол тубдан ўзгарди. Эндиликда туманда бир қарич ер ҳам эгасиз эмас. Ишлаб чиқариш тобора ривожланмоқда. Эришилаётган муваффақиятларда молия мутасаддилари, хусусан, «Туронбанк»нинг ҳам ҳиссаси оз эмас. Банк томонидан фермерликни ривожлантириш учун йўналтирилаётган маблағлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дейлик, аввалига 26 гектар ер майдонига эга бўлган «Умар Шариф» фермер хўжалиги ҳам банкнинг бевосита кўма-

ги билан ўз фаолият доирасини кенгайттирди. Хўжалик тасарруфида бугун 274 гектар экин майдони мавжуд. Туман марказида истиқомат қилувчи 25 нафар киши бу ерда доимий иш билан таъминланганлиги ҳам эътиборга моликдир. Ўрим-йиғим масъуми даврида ходимлар сони юз нафардан ошади.

— Биз асосан пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланамиз. Эришаётган муваффақиятларимизда «Туронбанк»нинг Бухоро филиали жамоаси ақиндан ёрдам кўрсатмоқда. Банкнинг молиявий мадади билан «Клас Доминатор» дон ўрши комбайнини харид қилдик. Хўжалигимизда чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Айнаи пайтда бу ерда 30 бош қорамол парваришланмоқда. Яқин орада иссиқхона барпо этишни режалаштираялмиз. Молиявий замин бор. Қўчат ва иссиқхонага зарур бўладиган қурилиш материалларини харид қилиш учун таъминотчи корхоналарга дастлаб маблағларни аллақачон кўчириб қўйганмиз, — дейди «Умар Шариф» фермер хўжалиги раҳба-



ри Савриддин Умаров. Дарҳақиқат, шундай. Бухорода Савриддин ака каби ер билан тиллаша оладиган фермерлар бисёр. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Кези келганда муҳим бир янгиликни айтиш жоиз. Айнаи пайтда очик акциядорлик-тижорат «Туронбанк» 2012 йилнинг 1 майдан «Омадли ўтказ-

ма CONTACT ЧЕГИРМА 30 фоиз» акциясини эълон қилди. Ушбу акция яқин хорижий давлатларга пул ўтказмалари тарифи 2 фоиздан 1,4 фоизга туширилганини кўзда тутди. Унинг жорий йил 1 майдан 31 декабригача амал қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Қўшимча маълумотга эга бўлишни истаганга, (+998 97) 700-55-55 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг. Умуман, иқтисодиёт-

Хуқуқий ҳимоя

Тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашманг, барибир ютқазасиз

2011 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ СУДЛАРГА 117 ТА АРИЗА КИРИТИЛГАН БЎЛСА, УЛАРИНИНГ 110 ТАСИ АРИЗАЧИЛАР Фойдасига қаноатлантирилди

Музаффар ТУРДИМОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси маъсул ходими

Айнаи пайтда қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш масалаларига адлия идоралари алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, берилган имтиёزلардан фойдаланиш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан ёндашмоқдалар.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида адлия идоралари томонидан ташкил этилган «Ишонч телефон»ларидан фуқаролар унумли фойдаланаётганликлари ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Навоий вилоят адлия бошқармасида ташкил этилган «Ишонч телефони»га 2011 йил давомида келиб тушган мурожаатларнинг 44 таси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

«Ишонч телефони»га қилган мурожаатидан сўнг қонуний тартибда валюта терминали ахрати берилиши таъминланди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг аралашуви билан «Ҳамкор Цитрус Навоий» МЧЖга қонуний тартибда «Миллий банк» Навоий вилоят филиалдан 150 млн. сўм миқдорда кредит ажратиб берилиши таъминланди, натижада тадбиркор томонидан иссиқхона иншооти қуриб битказилиб, қўшимча иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга 2011 йил мобайнида тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 117 та 341612749 сўмлик даъво аризалари киритилиб, уларнинг 110 таси, бошқача айтганда, 173286872 сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Масалан, адлия бошқармаси томонидан «Темур Малик» МЧЖнинг «Дилнавоз-Сарвиноз» хусусий корхонасига етказиб берилган махсулотлар учун 7500000 сўмини ундириб беришни сўраб ёзган мурожаати ўрганилиб, Навоий вилоят хўжалик судига «Темур Малик» МЧЖ фойдасига «Дилнавоз-Сарвиноз» хусусий корхонасидан 7500000 сўм асосий қарз ҳамда 1500000 пеняни ундириш бўйича даъво аризаси киритилди.

Маълум муддатдан сўнг эса Навоий вилоят хўжалик суди томонидан хусусий корхонага асосий қарз ҳамда пеня ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тадбиркорлар ҳимояси қонун билан қафолатланган. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган барча эзу ишлар эса мустақил юртимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар



ИШ ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҚИСКАРТИРИЛМОҚДА

АҚШ меҳнат вазирлиги маълумотларига қараганда, мамлакатда давом этаётган глобал молиявий инқироз туфайли ишсиз қолганлар сони 23,7 миллионга етган. Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатда биргина жорий йилнинг апрель ойида 600 мингга яқин иш ўрни қисқартирилган. АҚШда жорий йилнинг ўтган ойида ишсизлик даражаси 8,5 фоизга ошган. Корхоналарда эса ҳамон ишчилар сонини қисқартириш жараёни давом этмоқда.



ТОМИСЛАВ НИКОЛИЧ — СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ

Сербия муҳолифат партияси етакчиси Томислав Николич президентлик сайловларида 50,21 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди. Унинг рақиби Борис Тадич эса сайловчиларнинг 46,77 фоиз овозини олган. Маълумотларга қараганда, Николич номзоидига 1,52 млн. серб ҳайрихоҳлик билдирган. — Биз, энг аввало, ички муаммоларга ижобий ечим топиб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз, — дея таъкидлади Томислав Николич.



ҚАЛБАКИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАМАНГ, ҚАМАЛАСИЗ

Таиландда қалбаки маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши янги қонун кучга кирди. Ҳукуматнинг бундай қарорига келишига нуфузли компанияларнинг савдо белгиси остида озик-овқат маҳсулотларини қалбакилаштириш ҳолатлари кўп учраётганлиги сабаб бўлган. Мазкур қонунга биноан ана шу ишга қўл урган шахслар 3 йиллик қамоқ жазосига ёки катта миқдордаги жаримага тортиладиган бўлди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мамлакатда балиқ ва кўзичорин маҳсулотларини қалбакилаштириш ҳолатлари айниқса кўп учрамоқда. Шифокорлар эса истеъмолга яроқсиз озик-овқат маҳсулотлари инсон саломатлиги учун ўта хавfli эканлигини айтишмоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Стратегия қайта кўриб чиқирилиши керак

2008 ЙИЛДА
БОШЛАНГАН ГЛОБАЛ
МОЛИЯВИЙ-
ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗДАН
КЕЙИНГИ ДАВР
МОБАЙНИДА
АКСАРИЯТ
ДАВЛАТЛАРДА
КАРЗЛАР ВА БЮДЖЕТ
ТАҚЧИЛЛИГИ ОРТИБ
БОРАЁТГАНИ ТИЛГА
ОЛИНМОҚДА.
ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ
ФИКРИЧА, БУ
ЖАРАЁН ШУНДАЙ
ДАВОМ ЭТСА, У
ГЛОБАЛ МИКЁСЛАГИ
РЕЦЕССИЯ, ЯЪНИ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ
ДАВОМЛИ
ПАСАЙИШИГА ОЛИБ
КЕЛИШИ МУҚАРРАР

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Шу йилнинг 18-19 май кунлари Кэмп-Дэвидга йиғилган «катта саккизлик»ка аъзо давлатлар раҳбарлари ҳам айнан ана шу масалани муҳокама қилдилар. Айниқса, Европа Иттифоқининг ягона пул бирлиги — евронинг эртанги тақдирини шубҳа остида қолган бир пайтда ривожланган давлатлар клуби иқтисодий инқирозга қарши кураш стратегиясини қайтадан кўриб чиқиш лозимлигини таъкидладилар. Аммо аксарият экспертлар ана шу таъкидларнинг қуруқ баёнотлар бўлиб қолганига эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, АҚШ президенти Барак Обама ташаббусига кўра, дунёнинг sanoati ривожланган етакчи давлатлари бюджет маблағларини тежаш ва деярли воз кечишлари ва эътиборни иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратишлари керак. Бунда Греция марказий ўринда туриши, уни қутқаришга миллиардлар доллар ажратилиши лозим. Бироқ sanoati ривожланган аксарият давлатларнинг ўзлари ёрдамга муҳтож бўлиб турганда бюджет тақчиллигига учраган давлатларга қандай молиявий кўмак ажратилари мумкин? Зеро, жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул чиқариш ва улар билан молия бозорини тўлдирish хисобидан ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига олиб келиши мумкинлиги кўпчиликини ўйлантирмаётган кўринади. Кэмп-Дэвид саммитида иқтисодий кескинлик ўчоғи евромақон бўлиб қолаётгани, энг қийин кунларни банкрот оstonасидаги Греция бошдан ўтказётгани яна бир бор



Грециянинг Европа валюта иттифоқидан чиқиши еврозолага 235-780 миллиард еврога (0,3-1 триллион долларга) тушишини ҳам унутмаслик лозим. Бу еврозолага кирувчи 17 та мамлакат ялпи ички маҳсулотларининг 2-5 фоизига тенг демакдир. Бу ҳақда «The Guardian» нашри Британиянинг Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази (The Centre for Economics and Business Research, CEBR) ҳисоботида таянган ҳолда маълум қилган.

тасдиқланди, дейиш мумкин. Аммо тангликдан чиқиш йўл-йўриқлари борасида ҳануз келишмовчиликлар мавжудлигини назардан қочирмаслик керак. Масалан, Германия канцлери Ангела Меркель хоним бўҳрондан чиқиш йўли сифатида барча давлатларга харажатларни тежашни таклиф қилапти. Маълумки, 1998 йилги глобал молиявий инқироздан Берлин айнаи услубларни қўллаган ҳолда чиқиб кетгани боис Европадаги аксарият давлатлар ўз ихтиёрлари билан кескин тежаш сиёсатини юрита бошладилар. Бу эса улар иқтисодиётининг қайта тикланиши суръатларининг пасайишига, ўз навбатида, жамиятда норозиликларнинг кучайишига олиб келди. Шунинг учун Кэмп-Дэвид учрашуви қатнашчилари инқироздан чиқишга оид бир давлат тажрибаси иккинчи бир давлатга тўғри келмаслигини таъкидлаб, бошқаларни экспансив иқтисодий сиёсат юритишга чақирдилар. Иштирокчилар молиявий инқирозга қарши курашиш мақсадида ўз мамлакатлари иқтисодиётини рағбатлантириш учун биргаликда ҳаракат қилишга ҳам келишиб олишди. Шу ўринда ҳозирда жаҳон иқтисодиётига хавф тугдираётган энг катта муаммо Европа банклари эканлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Саммитда АҚШ раҳбариятининг ташаббускорлик кўрсатгани ҳам бежиз эмас. Кузатувчиларнинг фикрича, Обаманинг қайта президент этиб сайланиши бевосита мамлакат иқтисодиётининг яшиланишига боғлиқ. Демак, Америка иқтисодиётининг соғломлашуви евромақондаги мамлакатлар иқтисодиётининг ҳам қанчалар мустаҳкамлигига бориб тақа-

лади. ЕИ ва АҚШ ўзаро савдо ҳамкорлиги кўлами беқиёс эканлигини назарда тутасак, вазият янада ойдинлашади. — «Агар бирор компания Париж ёки Мадриддаги савдо операцияларини қисқартиришга мажбур бўлса, бу Питтсбург ёки Милуокидаги ишчилар учун буюртма шунча камайиб кетишини аниқлади», — дейди Оқ уй раҳбари. Саммитда асосий эътибор тобора иқтисодиёти оғирлашаётган Грецияга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, 13 май куни Лондоннинг «Sunday Times» газетаси Греция саккиз ҳафтадан сўнг еврозонани тарқатиши мумкинлиги хусусидаги мақола чоп этиши АҚШ ва ЕИни саросимага солиб қўйди. — «Грецияда кучайиб бораётган сиёсий инқироз еврозона томонидан ушбу мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган дастурий амалга оширишда хаосни келтириб чиқариши мумкин, дея ёзди газета. — Грек партияларининг ҳукуматни шакллантиришга қаратилган муваффақиятсиз уринишлари июнда бўлиб ўтадиган янги сайловларни ўтказиш учун ҳам хавф тугдирмоқда. Бироқ июнь охирига келиб инқирозга қарши дастурга мувофиқ, Греция ҳукумати давлат харажатларини 11 миллиард еврога қисқарттиришга мўлжалланган режани маъқуллаши лозим. Шундан сўнг Афина июль ойи бошида Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фонди томонидан тақдим қилинаётган кредитнинг навбатдаги траншини олиши мумкин бўлади. Шу ўринда Грециянинг Европа валюта иттифоқидан чиқиши еврозолага 235-780 миллиард еврога (0,3-1 триллион долларга) тушишини ҳам унутмаслик лозим. Бу еврозолага кирувчи 17 та мамлакат ялпи ички маҳсулотларининг 2-5 фоизига тенг демакдир. Бу ҳақда «The Guardian» нашри Британиянинг Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази (The Centre for Economics and Business Research, CEBR) ҳисоботида таянган ҳолда маълум қилган.

бири «Natixis» банки ҳам бу бўйича ўзининг тахминларини маълум қилди. Грециянинг еврозонадан чиқиши ҳамда дефолт ҳолатининг эълон қилиниши валюта иттифоқининг қолган аъзоларига энг камида 100 миллиард еврога тушади. Европа Иттифоқи давлатлари Грециянинг деярли 53 миллиард евро, Европа марказий банки эса 45 миллиард евролик ҳукумат облигацияларига эгалик қилади. Умумий ҳисобда, Европа давлатлари ва ХВФ биргаликда Грециянинг 200 миллиард еврога яқин облигацияларига эгадирлар. Кузатувчиларнинг фикрича, Грецияда июнь ойи охиригача янги ҳукуматнинг шаклланишига кўпчилик шубҳа билдирмоқда. Агарда шундай ҳолат юз берса, Греция Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фондидан навбатдаги кредит траншини ололмайдди. Бу эса ўз навбатида Грециянинг ўз мажбуриятларини бажара олмай, дефолт ҳолатига тушишини ва еврозонадан чиқишга мажбур бўлишини билдирди, дея ёзди «Sunday Times». Албатта, учрашув қатнашчилари фақат иқтисодий масалаларни ташишга солини йўқ. G8 етакчлари Эроннинг ядровий дастури атрофидаги вазиятдан ҳам таъшиш билдириб, расмий Техронни Бағдоддаги музокарага маъсулият билан келишга даъват этдилар. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Шимолий Кореяга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Улар КХДР томонидан баллистик ракетага учирлиши, ерости ядровий синовлари ва бошқа шу каби хатти-ҳаракатларга қўл урилганини ифвогарлик, деб баҳоладилар. G8 Пхеньян халқаро мажбуриятларини оғишмай бажаришга, БМТга аъзо давлатларни Шимолий Кореяга нисбатан санкциялар режимида қатъий амал қилишга чақирдилар. Якуний декларацияда саммит иштирокчилари Афғонистонда хавфсизлики таъминлаш, иқтисодиётни тиклаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашиш юзасидан олинган мажбуриятга содиқликларини тасдиқлашди. Дарвоқе, Кэмп-Дэвидда охир-оқибат афғонларнинг ўзи ўз хавфсизликларини таъминлашига тўғри келишини алоҳида қайд этдилар. Хуллас, аслида 1970-йилларда иқтисодий инқирозни ва шу муносабат билан АҚШ, Фарбий Европа ва Япония ўртасидаги иқтисодий ва молиявий масалалар борасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган катта саккизлик кейинги тўрт йилдан буён қабул қилинаётган қарорларга қарама-қарши, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ишлаб чиқолмади. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

XXI ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) раҳбари Кристин Лагарднинг айтишича, ташкилот Грециянинг еврозонадан чиқиши бўйича техник харажатларни ҳисоблаб чиққан. Мабо-до Греция валюта блокидан чиқса, бу «фавкуллода катта харажатларга» сабаб бўлади. Франциянинг «IESEG School of Management» бизнес-мактабининг ҳисоб-китобларига кўра, Греция еврозонадан чиқса, Европа Иттифоқидаги энг йирик иқтисодиётга эга Германия 90 миллиард евро, Франция эса 66 миллиард евро зиён кўриши мумкин. Франциянинг йирик банкларидан

